

Аллоҳ истиғфор айтганларнинг гуноҳини кечиради



19:00 / 11.02.2025 1930

﴿۷۳﴾ أَلَيْمٌ عَذَابٌ مِنْهُمْ كَفَرُوا الَّذِينَ لِيَسْسَنَ يَقُولُونَ عَمَّا يَنْتَهُوْنَ وَإِنْ وَجِدُ اللهُ إِلَّا إِلَهَ مِنْ وَمَا تَلَايَةَ تَالِكُ اللهُ إِيَّاهُ قَالُوا الَّذِينَ كَفَرُوا لَقَدْ

«Албатта, Аллоҳ уchtанинг биридир», деганлар батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Ягона Илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Агар айтаётганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини албатта аламли азоб тутадир» (Моида сураси, 73-оят).

Насроний динидагиларнинг мантиқсиз, ўзлари ўйлаб чиқарган, ҳақиқий диний таълимотни бузиб кўрсатадиган ақийдаларидан бири ушбу оятда муҳокама қилинмоқда. Улар: «Аллоҳнинг табиати бир-бирига тенг учта кўринишдан – Ота худо, ўғил худо ва Муқаддас руҳдан иборатдир. Ўғил худо, яъни Ийсо воситаси ила бутун махлуқот Ота худога улашади. Шу

билан бирга, ўзларини тавҳид ақийдасида эканларини даъво қиладилар.

Худди мана шу мантиқсизлик қадимдан насоролар ўртасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқарган. Ҳозирги кунда одамларнинг масиҳий динидан четланишида ҳам худди шу сабаб бор. Бир оз ақлини ишлатган одам бу сафсатани мутлақо қабул қила олмайди. Чунки соғлом ақл далолат қилган нарса:

«Ягона Илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ!»

Бундан бошқа гапни айтиб, бузуқ эътиқод қилиб юрганлар ботил фикрларидан қайтмоқлари лозим:

«Агар айтаётганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини албатта аламли азоб тутадир».

Бу муқаррар нарса. Бўлажак аламли азобдан ҳамма тириклик пайтида қутулиб олиши мумкин. Бунинг учун:

رَجِيْمٌ عَفُوْرٌ وَاللّٰهُ وَسِعَتْ غُرُوْبُهُۥ اَللّٰهُ اِلٰى يَتُوْبُوْنَ اَفَلَا

«Аллоҳга тавба қилиб, Ундан мағфират сўрамайдиларми?! Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Моида сураси, 74-оят).

У Зот тавба қилганларнинг тавбасини қабул этади. У Зот истиғфор айтганларнинг гуноҳини кечиради.

Фурсат ўтмасдан аввал, бузуқ ақийдаларидан қайтиб, тавба қилсинлар, тўғри ақийда бўлмиш Ислом ақийдасига ишонсинлар ва ўтган гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳга истиғфор айтсинлар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди